Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ

1931 йилдан чиқа бошлаган | **1997 йил 11 октябрь, шанба** | **Баҳоси сотувда эркин нархда.** | **№ 78 (6974)**

Da'vat

Ҳаётдаги энг фойдали нарса ўз тажрибангдир.

В. Скотт.

Ibrat

Қувалик мебелчилар сардори, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати М. Исмоиловнинг ташаббуси билан тумандаги 1-мактаб ўқитувчиси М. Қайтарова юз минг сўмлик замонавий мебель жамланмаси, 3-мактаб ўқитувчиси Т. Исмоилов, 7-мактаб директори А. Нурматовларга эса мебель стуллари йиғиндиси, рангли телевизор хайрия совғалари сифатида тақдим этилди.

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга

МУҲТАРАМ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

Биз, жонажон республикамиз мустақиллиги шарофати билан сизнинг иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида, «Умид» жамғармасини тузиш тўғрисидаги фармонларингиз ҳамда гўзал диёримиз ёшларининг илм-фаннинг барча соҳалари бўйича дунёдаги илғор мамлакатлар ёшлари билан беллаша оладиган даражада билим олишига кўрсатаётган мунтазам эътиборингиз ва ғамхўрлигингизни ҳис қилиб турибмиз. Уларга жавобан меҳрибон устозларимиз ёрдамида жаҳон фан олимпиадаларида она Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, дастлабки ютуқларни қўлга киритдик. Илк қалдирғоч сифатида республикамиз мактабларининг 33 нафар тенгдош ўқувчилари биргаликда Аргентина, Голландия, Грузия, Польша, Чехословакия, Туркия давлатларида математика, физика, биология, кимё ва экология бўйича ўтказилган бир қатор олимпиадаларда иштирок этиб, 10 та олтин, 4 та кумуш, 17 та бронза медалларини ва 3 та юқори даражали дипломларни қўлга киритдик.

Халқаро олимпиадаларда энг юксак натижалар кўрсатган ўн икки нафар 11-синф ўқувчилари Сизнинг фармонигизга мувофиқ олий ўқув юртларига имтиҳонсиз, имтиёзли қабул қилиндилар. Бошқа қатнашчилар умумтаълим мактабларда ўқишни давом эттирмоқда.

Биз қайси мамлакатда, қайси фан бўйича мусобақаларда иштирок этмайлик, азиз Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилаётганимизни бир лаҳза ҳам ёддан чиқармадик. Зеро, олимпиада топшириқларини ечиш жараёнида қаршимизда турган гўзал байроғимиз юртимизда Ватанимиз шаъни борлигини доим эслатиб турди.

Юртимизда 1 октябрь куни биринчи марта умумхалқ байрами сифатида нишонланган Ўқитувчилар ва мураббийлар кунида биз ҳам иштирок этдик. Бундай байрам билишимизча, дунёда фақат бизнинг мамлакатимиздагина ўтказилди ва у зўр кўтаринкилик вазиятида нишонланди. Тошкентда бўлганимизда муҳташам Амир Темур музейида, санъат ва маданият кошоналарида бўлдик. Ниҳоятда гўзал пойтахтимиз борлигидан фахрландик, қалбимиз ғурурга тўлди.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич! мамлакатимиз ёшларига кўрсатаётган ғамхўрлигингизни биз чин юракдан ҳис қилиб турибмиз — бу ғамхўрлик ва яратилаётган шароитларга муносиб маънавий етук, маърифатли, зукко ва фидойи фарзандлар бўлишга сўз берамиз.

Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлинг!

Ўзбекистон республикасининг халқаро олимпиадаларда иштирок этган ва ғолиб чиққан бир гуруҳ ўқувчилари

Файзулла ШОИСМАТОВ, Шерзод МАДРАҲИМОВ, Фаррух ҚОРАБОЕВ, Константин СТРОКОВИЧ, Ҳаёт ҲАЛИМОВ, Шаҳриёр ТУРҒУНОВ, Ориф МЕЛИБОЕВ, Игорь ИВАНОВ, Алишер РАҲМОНОВ, Евгений КИМ, Павел МАНЕНКОВ, Қаҳрамон АСЛОНОВ, Нодирбек ҲУСАИНОВ.

Haftaning muhim voqeasi

ЛИБОС ҲАМ ТАРБИЯ МЕЗОНИ

1. Кийиниш ҳам таълим-тарбиянинг мезони бўла оладими?

2. Боланинг кийинишида асосий эътибор нималарга қаратилиши лозим?

3. Бир хил мактаб кийимининг жорий этилишига ҳуқуқий асос борми?

Менинг, сизнинг ва ҳаммамизнинг кўнглимизга қамалган муқаддас каломларимиз бор. (Агар ўзимизни инсон атасак). Шулардан биттаси МИЛЛАТ. Мана шу туйғуни йўқотган киши... Энди у ким бўлди. Ахир осмон билан замин орасида муаллақ қололмайди-ку?! У кимгадир ёки нимагадир мансуб бўлмоғлиги керак.

Сиз билан бизнинг ҳам ва яна қонимизга қони қўшилиб айланаётганларнинг ЎЗБЕК деган «либосимиз» бор. Кечаги кунларнинг миямизни карахт қилиб қўйган тўфонларидан кимлигимизни унутаёзган бўлсак-да, бугун бу йўқотишлар топилаяпти. Демак, эртага мустаҳкамланади. Бунга асос шуки, эртанги кун ворисларининг имкони қай даражада бўлишлиги ҳақида бугун оддий ўқитувчидан тортиб мамлакат Президентигача фикрлаяпти. Биргина мисол. Куни кеча пойтахтимиздаги республика Модалар уйида «Республикада ўқувчилар мактаб кийимини жорий этиш презентацияси» бўлиб ўтди. Унда республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, вазир ўринбосари М. Султонов, республика «Маҳалла» жамғармаси раиси Ш. Темуров, шунингдек маҳалла фаоллари, ўқитув-

(Давоми 2-бетда).

ДИҚҚАТ МАРКАЗИМИЗДА ЎҚУВЧИ ШАХСИ КАМОЛОТИ

Бугунги кунда республикамизнинг барча мактабларида Олий Кенгашнинг биринчи чақириқ 9 сессиясида Республика Президенти И. А. Каримовнинг «Баркамол авлод — Узбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзуда сўзлаган нутқи кенг ва атрофлича муҳокама этилмоқда. Ушбу нутқдан келиб чиқадиган мақсад ва режаларни, яқин келажакда ҳамда истиқболда амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни белгилаб олиш, босиб утилган йўлга аниқликлар, тузатишлар киритиш жараёни кетмоқда.

Бу уринда шуни таъкидлаш жоизки, сессияда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастур» фавқулодда демократик ҳужжатлар бўлиб, унинг замирида ўқувчининг шахс сифатида камол топиши ётади. Уни амалга ошириш жамиятимизда рўй бераётган демократик ўзгаришлар билан ҳамоҳанг олиб борилади. Ўқувчининг ўз ҳаётий нуқтаи назарини мустақил белгилаб олиши, ўзлиғини ва бошқаларни англаши, жамиятда амалга оширилаётган ижтимоий жараёнларни англаб етиши ҳамда уни шахс сифатида шакллантиради-ган фаолиятга йўналтирмоқ ўқув-тарбия жараёнининг ўзагини ташкил қилмоғи зарур.

Афсуски, бугунги кун мактаби бундай мақбул амалиётдан йироқда турибди. Бу ҳақда Олий Мажлис сессиясида фаолиятимиз таҳлил этилган ва баҳоланганда ҳам ўринли тарзда танқидий мулоҳазалар биллирилди. Республикада таълим ишини такомиллаштириш борасида қилинган қатор ишларга қарамасдан айрим муаммолар сақланиб қолди. Уларга биринчи галда амалий ечимлар топиш лозим булади. Бу уринда энг аввало бозор иқтисоди шароитига мослашиб фаолият курсата оладиган даражада касб-корни эгаллашлари зарур булган 9-синфларни тамомлаган ўқувчиларнинг қисмати устида бораяпти. Яна бир муаммо — ўқувчиларни таълим-тарбия жараёнида мустақил фикрлаш, мушоҳада юритиш қобилиятини тарбиялаб беришни таъминлай оладиган янги таълим технологияларини яратиш ва такомиллаштириш.

Президентнинг сессияда қилган маърузасида таълимда ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий босқичлари курсатиб берилган ва бу борада ҳозирги давр ўтиш даври, деб белгиланди. Шундай экан, бу вазифаларни бажаришдаги асосий ишлар мактаблар, педагогик жамоалар зиммасидадир. Улар «Таълим тўғрисида»ги Қонунни ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастур»ни бош амалга оширувчилари булиб қоладилар. Шу боисдан сессия ҳужжатларининг муҳокама қилиниши унда қўйилган вазифаларни тўғри белгилаб олинишига жиддий ва алоҳида эътибор бермоқдамиз.

Бугунданоқ 9-синфларни битириб чиқадиган ўқувчиларнинг тақдирини қайтадан

(Давоми 2-бетда).

МУҲАББАТДАН ТУҒИЛГАН ШАҲАР 3-бет.

ГУЛЛАР БАЙРАМИ 4-бет.

Qbuna-98

Маълумингизким, Олий Мажлиснинг IX сессиясида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» қабул қилинди. Моҳиятида таълимнинг туб ислоҳотлари ётган бу тадбирлар босқичма-босқич амалга ошиши дастурда кўрсатилган. Шу ўринда айтиб ўтиш зарурки, мамлакатимиз таълимида амалга оширилаётган барча ислоҳотлар ва ижобий ўзгаришларнинг асосий ижрочилари — ўқитувчиларимиз, зиёлиларимиздир. Улар қанчалик пухта билим, ҳаётий тажриба ва бой ахборотга эга бўлсалар, таълимимиздаги туб ислоҳотларнинг тагзамини ва пойдевори шунчалик мустаҳкам бўлади. Ушбу босқичма-босқич амалга ошажак янгиланишларни узвий ва тўлалигича қамраб ола билган, улардан тўла

БОХАБАР БЎЛИНГ!

бохабар ўқитувчи ўз ҳамкасблари орасида энг пешқадам зиёли бўлиб қолиши, шубҳасиз. Бу борада, яъни мунтазам янгиликлар ва хабарлар оқимидан баҳраманд бўлишда албатта, оммавий ахборот воситалари мутолааларию таҳлиллари асқотади.

Республика Халқ таълими вазирлигининг энг кўп ўз матбуот нашрларига эга эканлигининг боиси ҳам шунда. Бу дегани, ўқитувчилар соҳамиздаги ислоҳотлардан мунтазам хабардор бўлиши ва уларга фаол аралашиши учун катта имкониятга эга. Чунки доимий бохабарлик энг катта бойлик ва кучдир.

Ҳозир янгиликка, ахборотга бўлган эҳтиёжнинг доимий таъминланиши кафолатлашнинг айни мавриди. Республикамиздаги барча нашрларга келгуси йил учун обуна мавсуми давом этмоқда. Бу борада Халқ таълими вазирлиги томонидан тайёрланиб, таълим муассасаларига юборилган тавсия ҳам зиёлиларимизга обуна масаласида ёрдам беришига ишончимиз комил. Келгуси йилда барча янгиликлардан бохабар юрай деган маорифчи бугунги фурсатни асло қўлдан бой бермайди.

ХТВ Матбуот маркази.

Ҳурматли мушторийлар!

«Маърифат»га 1998 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна индекси: Якка обуначилар учун — 149 Ташкилотлар учун — 150.

Tajriba

ЛИЦЕЙНИНГ МУВАФФАҚИЯТИГА САБАБ НИМА?

Март ойида ўтказилган фан олимпиадаларининг Республика босқичида Наманган вилояти энг кўп — 10 та ўринга соҳиб, яъни ўн ўқувчи мактаб партасидаёқ имтиёзли — тест имтиҳонларисиз олий ўқув юртларига кириб ўқишга муяссар бўлгандилар. Биз Наманган вилоятида бўлганимизда бунинг боисини ўргандик. Бунда лицей ўқитувчисидан вилоят ҳокимигача бўлган мутасаддиларнинг ўзига хос далдаси — ҳиссаси борлигини англадик. Жараённи ўрганиш учун эса бир илм даргоҳини танладик. У Наманган шаҳридаги Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигидаги лицейдир. Бу лицейни танлашимизнинг асосий сабаби — Наманган вилояти ўқувчилари олган 10 ўриннинг тўртдаси шу илм масканига тегишли. Қолаверса, шу йили халқаро олимпиадаларда бу лицей ўқувчиларини қатнашиб, муваффақиятларга эришдилар.

Бу натижа мазкур лицейда вилоят ўқувчиларининг саралари сараланганлигини билдиради, аввало. Энди бу сараларга талаб даражасида билим берилмаса, демак натижа ҳам яхши бўлмайди.

Бу ҳақда лицей директори, халқ таълими аълочиси Тоҳиржон Раҳматов йўлга қўйилган ўқиш тартибининг ўзига хос жиҳатларини қуйидагича изоҳлаб берди.

— Аввало таъкидланганидек, ўқувчиларимиз халқаро олимпиадаларда қатнашмоқдалар. Бунинг учун эса тил билиш керак бўлади. Шу боис гапни тилдан бошласак. Лицейда уч тилда сабоқ берилади. Ўзбек тили ва адабиёти, тарих, география, одобнома дарслари она тилимизда, математика, физика, химия ва биология фанлари халқаро мулоқот тили — инглиз тилида ва компьютер сабоқлари ва турк тили ҳамкор давлат тилида ўқитилади. 25 нафар ўқувчи қабул қилингач, улар биринчи йили инглиз ва турк тилларини ўрганишади. Айримлар улгуришадими, дея савол беришади. Тажрибалар уларнинг муваффақиятини кўрсатяпти. Ўқитувчилар ҳам танлов асосида танланади. Бунда аввало танлов эълон қиламиз. Йиғилган ўқитувчилар малака ошириш институти билан ҳамкорликда тестдан ўтказилади ва албатта талабларимизга жавоб берганлари ишга қабул қилинади. Ўқитувчиларимизга 50 фоиз қўшимча ҳақ тўланади. Айни кунда 10 нафар ўқитувчимиз ва 16 нафар тарбиячимиз ўзбеклар, 16 нафар турк ўқитувчилари, техник ходим-

(Давоми 3-бетда).

МММ — ХАБАРЛАРИ

ЯНГИ МАКТАБ ҚАД РОСТЛАДИ

Шуманай тумани А. Мусаев номли деҳқон-фермер хўжалигидаги 12-мактаб учун 622 ўринли янги ўқув биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Қишлоқ болаларига бу ажойиб совғани «Оролсувқурилиш» трести маблағидан 3-қурилиш трести бинокорлари тақдим этишди.

Ҳозирда мактаб директори Алимбой Турдимуродов янги масканни чинакам маърифатхонага айлантириш режаси устида бош қотиряпти.

Ғойиб ЁҚУБОВ.

SOZIMDA VATAN MADHI

Yaqinda Namangan viloyati «Ma'naviyat va ma'rifat» markazida estrada qo'shiq ijrochilarining «Sozimda vatan madhi» mavzusidagi viloyat ko'rik-tanlovi bo'lib o'tdi. Unda tuman, shahar bosqichida o'tkazilgan tanlov g'oliblari bo'lishgan 10 nafar ijrochi ishtirok etishdi. Tanlov nizomiga ko'ra ishtirokchilar ikki shart — Vatan, mustaqillik mavzusida yaratilgan yangi qo'shiqlar va o'zi yoqtirgan estrada qo'shig'ini ijro etish bo'yicha mahoratlarini namoyish qildilar.

Chortoqlik Izzatilla Davlatov tanlov g'olibi deb topildi. 2-o'rin Namangan tumanidan Baxtiyor Mavlonovga, 3-o'rin esa Uychi tumanilik Isroil Soliyevga nasib etdi.

Sadbarxon JO'RAYEVA.

ЮТУҚ ҲАМИША ЗИЁЛИЛАР ТАРАФИДА

Юнусобод туманидаги 83-ўрта мактаб ўқувчилари «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» байрамига ажойиб дастур тайёрлашди.

Бу мактабнинг 11-ўзбек синфларининг «Зиёлилар» ва рус синфларининг «Фортуна» жамоалари ўртасида ўтказилган «Қувноқлар ва зукколар» мусобақаси эди. У байрам қатнашчиларининг барчасига манзур бўлди.

Даставвал қувноқ, зукко шогирдлар устозларни қутлуғ айём билан муборакбод этишди, сўнгра мусобақа дастуридан ўрин олган шеърхонлик, куй ва қўшиқлар ижросини намойиш этишди. 11-«А» синф ўқувчиси Насиба Худойберганова эса ёқимли овози билан барчани сеҳрлаб қўйди.

Ғолибга келсак, омад «Зиёлилар»га ён босди.

Гулноза НИШОНБОЕВА.

МММ — ХАБАРЛАРИ

ЛИБОС ҲАМ ТАРБИЯ МЕЗОНИ

(Боши 1-бетда).

чилар, ўқувчилар, ҳатто чет эллик меҳмонлар ҳам қатнашди. Энди бир савол туғилади. Аслида кийиниш ҳам таълим-тарбиянинг мезони бўла оладими?

Тан олиш керак, сўнгги пайтларда мактабларда ўқувчиларнинг кийиниш маданиятига кўп ҳам эътибор берилмай қўйди. Хўш, бундан қандай оқибат кўрдик?

Бугунги бозор иқтисодиёти шароити даврида ҳар ким топганини кияди. Шу важдан биров мактабга чопон кийиб келса, биров бугунимизнинг сўнгги модасини кийиб кела бошлади. Бу тафовут бола руҳиятига билвосита таъсир этиши аниқ. Ва яна бир жиҳати шундаки, ўқувчи бугун аввало ички, яъни қалб «либоси»ни гўзаллаштирадиган пайти. Биз ҳозиргина айтган тафовут мана шу гўзалликни хиралаширувчи омил бўлиши мумкин. Демак, шунинг учун ҳам бугун ҳар бир мактабнинг ягона кийими бўлиши шарт.

Гўзалликнинг ўзи ҳам тарбия. Бироқ бу гўзалликнинг муайян мезони бўлса бундан ҳам дурустроқ кўринади. Шундай экан, хўш, бугунги болаларимизнинг кийинишида асосий эътибор нималарга қаратилмоғи лозим?

Юқорида айтиб ўтган ўқувчиларнинг мактаб кийимини жорий этиш презентациясида барчани ўйлашга мажбур этган иккинчи савол ана шу мазмунда бўлди. Шуни ҳам айтиш керакки, йиғилишда республикамизнинг ҳамма вилоятларидан вакиллар қатнашиб, ўзларининг ҳудудий меъёрларига асосланиб жорий этган мактаб кийимларини намойиш этишди. Бир-биридан бежирим қилиб тикилган бу кийимларнинг ҳар бири кўзларни қувнатади. Аммо ягона мактаб кийимининг жорий этилиши фақат кўзларни қувнатиш учунгина эмаслигини ҳар биримиз яхши билишимиз кераккa ўхшайди. Негаким, баъзи вилоятларнинг тайёрлаб келган кийимлари ўзининг қимматбаҳолиги билан «бежирим»лигини намойиш этиб қолаяпти. Бу эса ота-оналар чўнтагининг мутаносиблигини «бузиб» қўйиши турган гап. Ва яна шунга эътибор берилиши лозимки, кийим болага мос бўлсин. Бу жумлани қандай тушунмоқлик керак? Яъни болаларнинг хусусиятларига мос бўлишлиги лозим. Уларнинг ўйинқароқлиги, серҳаракатлиги барчамизга аён-ку? Ўқувчиларнинг кийинишида шу каби жиҳатлар ҳам эътиборга олинса нафақат ўқувчи, балки ота-оналар ҳам манфаатдор бўлади. Демак, шунинг учун ҳам бугун ҳар бир мактабнинг ягона кийими бўлиши шарт...

Собиқ «империя» даврида ҳам республика миқёсида ягона мактаб кийими мавжуд эди. Бугунги «ягона» билан кечаги «ягона»нинг фарқи шуки, бугун ҳар бир вилоят, шаҳар, ҳатто ҳар бир мактаб ўз иқлимидан ва бошқа ўзига хосликларидан келиб чиқиб, мактаб кийими яратаяпти. Кечаги «ягона»ликда эса бир хиллик устун эди. Бу тарихни келтиришдан мақсад шуки, яқинда таҳририятимизга бир хат келиб тушди. Айтилишича, қиз бола мактабга ҳижоб ўраб келган. Бу, албатта, бошқаларга хоҳ ижобий бўлсин, хоҳ салбий таъсир этиши турган гап.



СУРАТЛАРДА: ўқувчилар мактаб кийимларини намойиш қилишаяпти.

В. КРИЛЛОВ олган суратлар.

Буни пайқаган ўқитувчи: «майли, фақат мактабга дугоналарнинг сингари бўлиб кел» дея маслаҳат беради. Буни нотўғри тушунган ота-она ўқитувчидан норози бўлишган. Агар ўша мактабда ягона ўқувчилар кийими бўлганда эди, бундай норозиликлар келиб чиқмасди. Яъни ўқитувчи ҳар бир ўқувчидан (мактаб Низомига асосан) мактаб формасини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўларди. Бу дегани, ягона мактаб кийимини жорий этишда қонуний асос яратилган. Демак, шунинг учун ҳам бугун ҳар бир мактабнинг ягона кийими бўлиши шарт.

Яна бир гап. Презентацияда намойиш қилинган мактаб кийимларининг ташқи кўриниши, бичиш-тикилишига ҳеч ким эътироз билдирмади. Аммо, сиз жорий этмоқчи бўлган кийим ҳудудингиз иқлимига тўғри келадими? Миллий урф-одатларингизгачи? Сиз танлаган газламалар ўқувчиларингизнинг ёшига муносибми? Бола руҳиятига таъсири йўқми? Соғлигигачи? (Керак бўлса мутахассис фикрини олиш керак). Хуллас, мана шу хил томонлари ҳам тўлиқ ҳисобга олиниши лозим.

Бу ёзганларимиз, фикрларимиз албатта, бизнинг қаричимиз ўлчови. Лекин бу янгиликка кенг жамоатчилик, ота-оналар, ўқитувчилар ва энг асосийси ўқувчилар қандай муносабат билдиришмоқда?

Гулихон САЛИМОВА:

— Мен ота-оналар номидан гапирмоқчиман. Бугун ҳар бир мактабга ягона кийимга ўтиш лозим деган фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда шуни айтмоқчиманки, аввало, болаларимизнинг кийими миллий бўлсин. Ҳозир презентация намойишида кўрган баъзи мактаб кийимлари тўғриси менга унчалик маъқул тушмади. Менимча, ўзбек қизларига бугунги «мини» юбкалар ярашмайди. Демоқчиманки, қизларимизнинг мактаб кийимлари узунроқ, кенгроқ қилиб тикилса яхши бўлади.

Зебо ҒАНИХОНОВА, 11-синф ўқувчиси:

— Менимча жойлардаги ҳар бир мактаб ўз ўқувчилари билан уларнинг ҳам қизиқишларини, дидини ҳисобга олиб ўз мактабининг кийимини жорий этиши керак.

Нафиса ЗОКИРОВА (Шаҳрихон шаҳри):

— Мен презентацияга туманимизда жорий этилган мактаб кийимларидан намуналар олиб келдим. Бу, албатта, ҳаммага маъқул тушади, деб ўйлайман. Негаким, биз жорий қилган мактаб кийимларимиз ўқувчиларимизга, ота-оналарга жуда маъқул тушган. Бунга сабаб, кийимларнинг бежирим тикилганлиги, урф-одатларимизга мувофиқлиги, арзонлиги бўлса керак.

Дарҳақиқат, бизнинг мухтасар фикримиз шундай. Бугун жойларда ўзига хос мактаб кийимига ўтилиши яна бир қувончли ҳол. Фақат... Фақат бизнинг истагимиз болаларимизнинг, аввало, ўзбеклиги, ўзбек зурриёти эканлиги ва албатта, мактаб ўқувчиси эканлиги билиниб турсин.

Алишер НАЗАР, «Маърифат»нинг махсус мухбири.

Obuna — 98

Ёшлар, умуман фарзандларимизнинг баркамол камолотига ҳаммамиз масъулмиз. Шу ўринда мен бола тарбиясида, унинг ҳар томонлама тугал шаклланишида оммавий ахборот воситаларининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Фарзандларимизнинг мурғак қалбига Ватан, она, меҳр каби тушунчалар дастлаб ана шу воситалар орқали кириб келади. Шу билан бирга мукаммал ва мустаҳкам оила муҳити ҳам боланинг серқирра хислатлар эгаси бўлиб вояга етишида катта омил саналади.

Болаларимизнинг севимли газетаси — «Тонг юлдузи» худди шу вазифани адо этиб келаётган жажжи нашр ҳисобланади. Мактабда таҳсил олган ҳар бир бола газетанинг меҳру ҳароратга тўла нафасидан баҳраманд бўлган. Илгари бизнинг ўқувчилик йилларимизда шу газетага бутун синф, бутун мактаб бўйича обуна бўлиш аъанаси бор эди. Газетадаги ҳар бир мақола ёки шеър, ҳикоя ёинки қўшиқ эътиборимиздан четда қолмас, уларни соатлаб муҳокама қилишдан чарчамасдик.

Шуни таъкидлаш жоизки, муаллим, мураббий ва барча халқ таълими ходимларига «Тонг юлдузи» газетаси қалбан жуда яқин. Бунга сабаб газетадан шундоққина самимиятнинг барқ уриб турганлигидир. Шу боисдан аксарият муаллимлар, айниқса бошланғич таълим ходимлари га-

ДЎСТИМИЗ, ҲАМКОРИМИЗ, ТАЯНЧИМИЗ

зетадан энг зарур ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланадилар. Газетада чоп этилаётган рангбаранг мақола ва материалларнинг ниҳоят даражада ҳаётга яқинлиги, улардаги баён этилаётган фикр ва мулоҳазаларнинг бола руҳиятига ижобий таъсири ва тарбиявий аҳамияти беқиёс бўлиши таъминланадиган бўлди.

Матбуот, умуман оммавий ахборот воситалари ходимларини Ўзбекистоннинг келажагини таъминлайдиган фарзандларни тарбиялашдаги алоҳида хизматлари республикамиз раҳбариятининг доимо диққат марказида. Куни кеча «Тонг юлдузи» газетасининг бош муҳаррири Умида Абдуазимованинг Мустақиллигимизнинг олти йиллиги муносабати билан давлатимизнинг юксак мукофоти — «Шуҳрат» медали билан тақдирланганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Ўйлайманки, бу мукофот бутун газета жамоаси меҳнатига берилган муносиб баҳодир. Юксак мукофот газета жамоаси ишини янада жонланишида, газетага берилаётган ҳар бир материалнинг ўқимишлилигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Республикамиз ҳаётида энг қизғин, жўшқин жараёнлардан бири — бу газета ва журналларга обуна мавсумидир. Шу қисқа фурсатда одамларимиз ўзларига мақбул бўлган севимли газета ва журналларга, адабий-бадиий нашрларга обуна бўладилар. Ўйлайманки, бу обуна мавсуми «Тонг юлдузи»даги заҳматкашлар учун янада хайрли келади. Чунки, халқимиз ғоятда суйиб, эъзозлайдиган, Чўлпон юлдузидек шаффоф, ёруғ ва гўзал юлдузга қиёслайдиган «Тонг юлдузи»мизнинг фидойи мухлислари бу йил ҳам ўзларининг жонажон газеталарига бажонидил обуна бўладилар.

Жўра ХАЛИЛОВ, Андижон вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи.

БУЮК КАШФИЁТЛАР

Таниқли олим П. Булгаковнинг ёзишича, дунёда энг биринчи глобус буюк аллома Абу Райҳон Беруний томонидан кашф этилган бўлиб, унинг диаметри беш метрга тенг бўлган. Унда ер юзидаги одам яшайдиган жойлар аниқ кўрсатиб ўтилган.

Улкан глобус тож-тахт учун бўлган жангларнинг бирида ишдан чиққан, унинг бунёдкори эса Хоразмдан чиқиб кетишга мажбур бўлган.

***

Турк адмирали Пири Рейс томонидан тузилган хариталар жаҳон олимлари эътиборини дарҳол ўзига тортган. Гап шундаки, у 1494 йилда турк султони Явус Салимнинг хизматига ўтади. 1500 йилда ёш Пири испан флоти устидан ғалаба қозониб, султонга жуда ёқиб қолади.

Султон унга «рейс» деган фахрий денгиз унвонини беради («рейс» — доҳий, бошлиқ деган маънони билдиради). 1513 йилда у тўплаган маълумотлари асосида дунё харитасини тузиб, уни султонга тақдим этади.

1528 йилда у дунёнинг иккинчи харитасини тузиб, Явус Салим ўрнига ўтирган Султон Сулаймонга олиб боради. Бунинг учун Пири Рейс муносиб тақдирланади. Лекин Пирининг флотини 1554 йилда венецияликлар тор-мор қилганда, султон адмиралнинг барча хизматларини унутиб, унинг бошини кестиради. XVII асрнинг биринчи ярмида Голштиния (Дания) герцогининг буйруғи билан жаҳонда биринчи глобус-планитарий қурилди. Унинг ичи бўш, юпқа деворли шардан иборат бўлиб, қўндаланги 3,3 метр эди.

1713 йилда у Петр I га совға қилинди. 1747 йилда ёнғин чиқиши билан глобус — планитарий ҳам кулга айланди.

А. АКБАРОВ тайёрлади.

ДИҚҚАТ МАРКАЗИМИЗДА ЎҚУВЧИ ШАХСИ КАМОЛОТИ

(Боши 1-бетда).

чуқур таҳлил қилиб чиқишимиз зарур. Уларнинг барчаси ҳунар таълими муассасаларида, 10-синфларда ёки катталар таълим марказларида ўқишлари керак. Агар битирувчи ишлашга қарор қилган бўлса, бу масала ҳам мантиқан тўғри ва оқилона амалга оширилиши зарур.

Таълимнинг янги технологияси масаласига келсак, биринчи галда дарснинг тузилишини қайта қуриб чиқмоқ даркор. Бугунги кунда педагоглар фаолияти натижаларини тўғри баҳолаш муҳим. Унда ўқитувчи ўз ўқувчиларига муайян ҳажмдаги билимлар беришдан ташқари, уларни мустақил ўз устида ишлаш орқали ўз билимига билим қўшишга қанчалик даражада эришилаётганлигига алоҳида эътибор бериши лозим.

Шу ўринда мактабларда биринчи галда она тилини ўқитишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чоралар кўриш, ўқувчиларни миллий анъаналарга асосланган ватанпарварлик руҳида тарбиялашни янада изчил йўлга қўйиш зарур.

Таълим мазмунига келсак, унда кейинги пайтларда иқтисодий таълимни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида ўрин берилган. Мазкур фан бўйича ўқитувчиларга ёрдам тариқасида Матвеев, Сариковларнинг ўқув қўлланмалари, 2-синф ўқувчилари учун лотин графикаси асосидаги янги ўзбек ёзуви да «Иқтисод алифбоси» дарслиги чиқарилди.

Эндиги вазифа мактабларда ўқув режалари ва дастурлари асосида иқтисодий таълимни тўлақонли тарзда йўлга қўйишдан иборат.

Ўқувчиларга ҳуқуқий таълим ва тарбия бериш ҳам мактабнинг долзарб вазифасидир. Ҳозирги кунда бу фан кўпгина мактаблар фаолиятидан ўрин олди, бу мавзуда туркум маърузалар қилинмоқда. Бош мақсад — болаларимизнинг ҳуқуқий билими ва маданиятини ошириш орқали уларни ҳуқуқий давлатда яшаш ва меҳнат қилишга ўргатиш.

Ҳозирги замон таълим ва тарбиясини йўлга қўйишда синф раҳбарларининг роли беқиёсдир. Чунки, диққат марказида ўқувчи шахсини шакллантириш турибди. Синф жамоаси бола тарбиясида энг қулай муҳитни яратиб бериши керак.

Хорижий тилларни ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Айнан шу жараёнда янги педагогик технологияларни қўллаш учун кенг имкониятлар мавжуд бўлиб, уни пухта узлаштириб олиш зарур.

Агар таълим тарихига назар ташласак, ўқувчиларга узоқ вақт давомида хорижий тиллар ўргатилса ҳам, улар бу тилни ўргана олмаганликларининг гувоҳи буламиз. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, хорижий тилларни ўқитиш методикасини тамомила ўзгартириш керак.

Бироқ, Олий Мажлис сессиясида таъкидланганидек, хорижий тилларни ўргатиш она тилини ўргатиш орқали амалга оширилиши зарур. Демак, мактабларда «Она тили ва адабиёти», «Ўзбек тили» ва бошқа фанларни, таълим рус тилида ҳамда бошқа тилларда ўқитиладиган мактабларда эса лотин графикасига асосланган янги ўзбек алифбосида Давлат тилини ўргатишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш ва уни ривожлантириш мавзусига қайтамиз. Бунда мактаб кутубхонасининг ўрни ва аҳамияти каттадир. Бу ёрда тўпланган кўп сонли адабиётлар болаларни мустақил фикрлаш ва мушоҳада юритишини тарбиялашда бой имкониятга эга. Бир сўз билан айтганда, мактаб кутубхоналари ҳозирги замон талабларига тула жавоб бериши керак. Бу соҳада хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш лозим. Ривожланган хорижий мамлакатларда таълим муассасаларининг кутубхоналари маданият ва ахборотлар олишнинг бош манбаи бўлишдан ташқари, бу ерда ўқувчилар мустақил билим оладилар, улар учун кутубхоналарда дарслар, қўшимча машғулотлар ташкил қилинади.

Бу борада ўзимизда ҳам кўпгина илғор тажрибалар тўпланган. Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 17, Сергелидаги 284, Ҳамза туманидаги 166 ва 107-мактаблар кутубхоналарида шундай ишлар ташкил этилган.

Ёш авлод тарбиясида театрлар, музейлар, кўргазмаларининг аҳамияти бебаҳодир. Афсуски, бу ҳақиқатни аксарият ҳолларда унутиб қўймоқдамиз. Улардан дарсларни ўтишда, факультатив ва тарбиявий соатларни амалга оширишда кенг фойдаланишимиз керак. Зотан, бу иш шакллари ҳам бугунги кунда педагоглар жамоаларидан талаб қилинаётган таълим-тарбияни ташкил этишга янгича ёндошувнинг айнан ўзидир. Бизда бу борада муайян тажрибалар бор.

Тошкент шаҳрининг бир қатор мактаблари Амир Темур, Ўзбекистон тарихи каби бир қатор музейлар билан узвий ҳамкорлик қилиб, таълим-тарбия иши самарадорлигини оширишга эришмоқдалар.

Мактаблар жамоалари жорий ўқув йилидан бошлабоқ ўқувчиларни нафақат 7 ёшдан балки, 6 ёшдан қабул қилишга жиддий тайёргарлик кўришлари зарур. Албатта, мактаблар-айниқса, янги турдаги таълим муассасаларида ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтиш бошланди. Бу янгилик ҳозирдан ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Рейтинг усулининг қўлланиши ўқувчилар билимини баҳолашнинг аниқ ҳолатини очиб беради. Ўқувчи билим олишдаги ўзининг заиф томонларини кўради, ўқитувчилар эса ўз меҳнатлари натижаларини таҳлил қилиш имкониятига эга бўладилар. Республикамизнинг турли ҳудудларида ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг усули бўйича маълум тажрибалар тўпланди. Чунончи, Сирдарё вилоятидаги Шароф Рашидов туманида, Сурхондарё вилоятидаги Узун туманида, Тошкент шаҳрини бир қатор туманларида бу борада қилинаётган ишлар диққатга сазовордир. Жорий ўқув йилида ҳам бу йўналишдаги ишлар кенг қулоч ёйса, айни муддао бўлар эди.

Иқтидорли ва қобилиятли болаларни излаш, улар билан олиб бориладиган ишларнинг шакл ва мазмунини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг ҳам оммавий тус олишини таъминлаш зарур. Бу борада ўтказилаётган фан олимпиадаларининг аҳамияти катта. Уларни ўтказиш жараёнида янги-янги иқтидорли ўқувчилар кашф қилинади ва улар билан алоҳида иш олиб бориш имконияти туғилади. Болаларимизнинг бу борада халқаро майдонга чиқиши фахр ва ифтихор бўлишидан ташқари катта масъулият ҳамдир.

Бу ўринда Наманган вилоятида амалга оширилаётган ишлар ибратлидир. Бу вилоятнинг олимпиадачилари ўтган баҳорда умумкоманда ҳисобида Республикада биринчи ўринни эгалладилар.

Ютуқнинг асосий сабаби шундаки, улар олимпиадачилар билан ишлашда биз тавсия этган йўлдан бордилар. Мактаб ва туман (шаҳар) олимпиадалари ўтказилгач, ғолиблар билан алоҳида тайёргарлик ишлари олиб борилди. Улар билан вилоятнинг етакчи ўқитувчилари машғулотлар ўтказишди. Тутилган йўлнинг тўғрилигини кейинги вақтларда ўтказилган халқаро олимпиадалар ҳам тасдиқлаб турибди. Конич шаҳрида математика фани бўйича 18 мамлакат вакиллари иштирок этган халқаро олимпиадада Андижон, Бухоро, Қўқон, Ангрен шаҳарларидан таклиф этилган ўқувчилар муваффақиятли иштирок этиб, битта олтин, иккита кумуш, битта бронза медалини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Польша фанлар Академияси томонидан физика фани бўйича ўтказилган сиртқи олимпиадаларда наманганлик икки ўқувчи қатнашиб, махсус диплом билан тақдирландилар.

Республикамизда математика, физика, химия, хорижий тиллар бўйича ёзги лагерлар ташкил қилиниши ҳам ўқувчилар билимини чуқурлаштиришда, уларнинг халқаро олимпиадалардаги кўрсаткичларининг юқори бўлишини таъминлаяпти.

Албатта, Олий мажлис сессиясида белгилаб берилганидек, таълимнинг янги тизимига ўтиш босқичма-босқич амалга оширилади. 11 йиллик таълим тизими 2000 йилгача сақланиб қолади. Бироқ, 12 йиллик таълимга тайёргарлик бугундан бошланиши керак.

Энг муҳим вазифа 10, 11, 12 синфларни ўз ичига олган ихтиёрий мажбурий 12 йиллик таълимни муваффақиятли амалга оширишдир. Шуни эслатиб ўтиш жоизки, бу босқич замирида катта демократик мазмун ётибди. Зотан, 9-синфни битирган ўқувчининг қобилиятини, имкониятини, қизиқиши ва интилишини ҳисобга олган ҳолда ёки касб-ҳунар коллежларида ўқиш ёки академик йўналишдаги лицейларда алоҳида фанлардан чуқурлаштирилган ҳолда билим олиб, олий ўқув юртларига киришга тайёрланади.

Болалар қобилияти ва қизиқишини аниқлаш, таълим йўналишини танлашда ўқувчилар ва ота-оналарга ёрдам беруви кучли бир педагогик-психологик хизмат кўрсатиш тизимини барпо этиш мақсадга мувофиқдир. Масаланинг бу томонига мактабларда ҳозирдан жиддий эътибор бериш лозим. Республикада болалар иқтидори ва қобилиятини аниқлаш бўйича «Истеъдод» маркази ҳамда унинг барча вилоятларда алоҳида бўлимлари хизматидан самарали фойдаланиш лозим.

Таълимнинг янги тизимларига ўтиш масаласига келсак, шуни таъкидлаш жоизки, таълим муассасалари жойлардаги халқ таълими бўлимлари ва бошқармалари раҳбарлигида, ўқув муассасаларини аниқлаш, янги тизимга ўтишга пухта тайёргарлик кўриш, янги ўқув муассасаларини ташкил этишни режалаштириш, яқин йиллар ичида янгиланишнинг қайси юқори самара берадиган соҳасида иш бошлаш, гимназиялар ҳаётида қандай туб ўзгаришлар содир бўлишини олдиндан белгилаш каби вазифаларни бажаришга астойдил киришмоқлари зарур.

Юртбошимизнинг нутқларида баён қилинган яна бир муҳим фикрга эътиборингизни жалб қилмоқчиман. «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий Дастур» асосан халқ таълими зиммасига салмоқли вазифани юклайди. Бу жараёнда таълимнинг ҳудудий, миллий анъаналарини, маҳаллий имкониятларни, ўзбек халқининг урф-одатларини ҳисобга олиш зарур. Айни пайтда бу ишни таълим бўйича ривожланган хорижий давлатлар тажрибасига суянган ҳолда амалга ошириш даркор.

Бугунги кун мактаби мамлакатимиз келажаги — ёш авлодга шахс сифатида камол топиш ҳуқуқини бериши, ўз инсоний қадриятларини ҳимоя қила олиши, узғалар қадриятини ҳурмат қилишга, жамиятнинг ахлоқий-ҳудудий қонунларига онгли тарзда риоя қилишга ўргатиши зарур. Ўқитувчи билан ўқувчининг шахс сифатидаги ўзаро муносабатлари нафақат мактабда, оилада, балки жамоат жойларида ҳам, катталар билан ёшлар ўртасидаги шахсий муносабатларининг тимсоли бўлиб қолмоғи керак.

Гуландон АЛИМОВА, ХТВ умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи.

Muallim mehnati mevasi

ЁШ ПОЛВОНЛАР ПАРВОЗИ

Жисмоний жиҳатдан бақувват, соғлом бўлган ёшларгина ақлий томондан ҳам баркамол бўлиб ўсади. Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги Ойбек номидаги 18-ўрта мактабнинг тажрибали, биринчи тоифали жисмоний тарбия ўқитувчиси Қўчқор Абдувоҳидов чорак асрдан буён Амир Темур номидаги жамоа хўжалигининг Парча Қора қишлоғи ёшлари ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини оммалаштириб келаяпти. У дарс бераётган таълим-тарбия даргоҳининг ёш полвонлари етти йилдан буён туман миқёсидаги мусобақаларда биринчи ўринни эгаллаб, чемпионлик шоҳсупасидан тушмай келаяпти. Уларнинг Инсон манфаатлари йилидаги ғалабалари одатдаги йиллардагига нисбатан анча салмоқли бўлди.

Устознинг икки иқтидорли шогирди Навоий шаҳрида республика биринчилиги учун ўтказилган мусобақада фахрли ўринларни эгаллаб, миллий кураш бўйича республика чемпиони номини олдилар.

1981 йилда туғилган, 60-76 килограмм оғирликдаги Наврўз Очилов, Фарҳод Қулбуловлар 4-6 мартадан вилоят миқёсидаги спорт мусобақалари ғолиби бўлишгач, «Спорт усталигига номзодлик» нормативини бажариб, республика чемпиони бўлиш шарафига эришди. Иккала чемпион ҳам жисмоний чиниқиш машққатларини мардона енгиб, мустақил мамлакатимиздаги олийгоҳларнинг жисмоний тарбия факультетларига имтиёзли қабул қилинди.

Насриддин ЭШҚУВВАТОВ,
жамоатчи мухбир.

Buxoroning 2500 yilligiga

МУҲАББАТДАН ТУҒИЛГАН ШАҲАР

Болалигимда «Сиёвуш ҳақида афсона» бадиий фильми менга ёқарди.

Мазкур фильм Эрон шоҳи Кайковуснинг Туронга қилган навбатдаги босқинчилик уруши билан бошланади. Бу урушда қатнашган унинг ўғли Сиёвуш бегуноҳлар қони дарё бўлиб оққани, ҳаммаёқ вайронага айланганини кўриб чидолмайди ва бу уруш-жанжалларга чек қўйиш мақсадида банди сифатида Афросиёбнинг олдига келади. Афросиёб эса уни кечиради, қизи ҳамда мол-мулкини унга тортиқ қилади.

Сиёвуш чўлда икки душман мамлакат ўртасидаги тинчлик қўрғони, ҳаётга меҳр-муҳаббат рамзи бўлган обод, озод бир шаҳар қуришга киришади. У бу шаҳар осмонида уруш, ўлим тимсоллари эмас, балки беозор, эрксевар, шу билан бирга рақибларига тутқич бермас кийик тасвири туширилган байроқ ҳилпираб туришини, оиласи ҳамда халқи билан шоду хуррам умр кечиришни истайди. Бироқ фисқу фасодлар қутқуси билан Афросиёб уни саройига алдаб олиб келиб ўлдиртиради. Яна урушлар бошланиб кетади, яна бегуноҳлар қони дарё бўлиб оқади, у қураётган гўзал шаҳар эса харобага айланади...

Менинг ҳам мурғак қалбим ларзага келади, кўзларимдан ёшлар шашқатор оқади, ўзимда адолатсизликка, номардликка, ваҳшийликка кучли нафрат сезаман. «Наҳотки ўша буюк меҳр-муҳаббатдан туғилаётган шаҳар Бухоро эди? Она шаҳрим Бухоро» дейман худди унинг илк ғиштлари билан бирга кўнглим ҳам вайрон бўлаётгандек. Шу билан бирга ўзим кашф этган «кашфиётим»дан беҳад севиниб кетаман. Сўнг дарсликларни варақлаб ўз кашфиётимни тасдиқлайдиган тасдиқ қидираман, афсуски тополмайман. Чунки биз ўқиган «СССР тарихи» Россия тарихидан иборат бўлиб, «Ўзбекистон ССР тарихи» номигагина эди, холос.

Талабалик йилларимда шаҳарни айланиб юриб Сиёвуш мақбарасига дуч келганимда, кейинчалик Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асари орқали Сиёвуш афсонаси тўғрисида ўқиб билганимда, қалбим қанчалик чексиз қувончга тўлганини ҳис этолмайсиз. Чунки мен болалик тасаввуримда ўзим учун муқаддас бир ҳақиқат кашф этган эдим: ахир ўша минг-минглаб Сиёвушларнинг урушга нафратидан, ҳаётга буюк муҳаббатидан қад ростлаган шаҳар Бухоро экан! Ҳа, ҳа, менинг Бухором! Сен ҳаётга, инсонга, меҳнатга улуғ муҳаббатдан туғилган экансан! Сен озодликка, осойишталикка, ободликка чексиз ташналикдан яралгансан, шаҳрим! Бўлмаса минг бир авлиёю анбиёлар сени макон айлармидилар? Ё бўлмаса Турк диёридан то Ҳинд, Форс, Ироқ чегаларигача бўлган минг бир мамлакат подшоҳлари сени ватан тутармидилар?

Сен Оллоҳнинг нури ёғган шаҳарсан. Ривоят қилишларича, Пайғамбаримизга Жаброил қиёмат кунида кун чиқиш томондаги учта шаҳардан нур чиқиб туришини, булардан бири шаҳидларнинг кўплиги билан фахрланадиган Фохира, яъни Бухоро эканлигини айтганларида, Ҳазрат Пайғамбаримиз: Эй Худо! Фохирага барокат бергин, унинг халқлари дилларини тақво билан пок этгин, ишларини покиза қилгин ва уларни менинг умматимга марҳаматли қилгин!», — деб дуо қилган эканлар. Сен ана шу дуога лойиқ Бухорои шариф бўлдинг! Сен бугун Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд каби улуғ зотлари билан фахрлана оладиган Фохирасан!

Шунинг учун бўлса керак, руҳи уйғоқ инсон борки, сенга талпинади, сенинг поклик ҳиди анқиб турган муқаддас тупроғингни кўзига суртгиси, имон-эътиқодингга, донишлигингга гувоҳ бўлган осори атиқаларингни тўйиб-тўйиб томоша қилгиси келади. Аммо... Аммо сени ана шу иймон-эътиқодинг учун ҳам беимонлар тўпга тутдилар, мозорларингни оёқлари остида топтадилар, ноёб дурдоналарингни гулханларда ёқдилар. Қаддингни букдилар-у синдиролмадилар. Қайтар дунё экан. Сени тўпга тутганлар ўзи бугун ўққа тутилмоқда, топтаганлар оёқ остида, хор қилганлар хору зор.

Эсингдами, талабалик йилларимда бағринг шўрлаб, тошинг қулаб, япроқларинг сўлғин эди. Мустақиллик туфайли гул-гул очилиб кетибсан. Менинг назаримда, қаҳ-қаҳ отиб кулаётгандайсан.

Меҳр-муҳаббатдан туғилган шаҳрим! Умрбод қалбимда муҳаббат бўлиб яшайсан. Сенга ягона тилагим: обод, юксак бўл, завол кўрма! Сен ҳам, қадрдон шаҳрим, ҳар тонг минг-минг авлиё қўлларинг билан дуо қилиб тур: илоё она-Ватанимиз осмонида мустақиллик қуёши мангуга балқиб турсин!

Дилфуза ЖАББОРОВА,
ТошДУ аспиранти.

ТУМАН ТАЪЛИМИ ТАРИХИ

Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани маориф соҳасининг кекса жонкуяр ходимларидан бири бўлган — Сафиддин Ражабов кўп йиллик педагогик тажрибаси ва тўплаган материаллари асосида Ғиждувон халқ маорифи тарихидан жуда муҳим, материалларга бой — «Маорифимиз тарихидан лавҳалар» рисоласини нашр этди. Рисола шаҳар мактаблари, туман мактаблари, мактаб-интернатлар, янги турдаги мактаблар, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари таълим тараққиёти йўлида, иқтисодий муносабатлар даврида таълим-тарбия жараёнини янада ривожлантириш омиллари каби бўлимлардан иборат.

Бу рисолани халқ маорифи бўйича Қомус деб атаса ҳам бўлади. Рисола материалларга жуда бой ва улар ҳаддан ташқари синчковлик билан тўпланган. Бундай рисола — қомусни яратиш учун автор бир неча ўн йиллар меҳнат қилган. Бизнинг фикримизча, ушбу рисолани Ўзбекистон Республикаси Қори-Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти эътиборга олса, жуда яхши иш бўлади.

Чунки маориф тарихини бу даражада батафсил ёзиш қийин ҳамда шарафли вазифадир.

Асад НУРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Илмий ўқув маркази профессори, тарих фанлари доктори.

«Do'stlik» ordeni sohibi

МУШТАРАКЛИК РАМЗИ

Ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлат кафолатини шубҳасиз соғлом фикрлайдиган фуқароларгина беради. Соғлом фикрлайдиган қатламни вояга етказиш учун эса мукаммал таълим стандарти ва шунга муносиб зиёлилар бўлиши керак. Камина шу ўринда Президентимизнинг Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган нутқини эсламоқчиман. Унда Президент ҳам ёш авлоднинг таълим олишида мустақил фикрлаши кераклигини баён этган эди. Бугун демократик жамият қуриш даври зиёлиси, аввало, болаларни мукаммал фикрлашга ундаса, давлат раҳбари қайғураётган масала уни ҳам ташвишга солса... Демак, келажакнинг буюклигига ишонч бор.

Кейинги пайтда давлатимиз томонидан ўқитувчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар барчамизни қувонтирди. Бир қатор нишон, медалларнинг таъсис этилиши ҳам таълимга юксак эътибор нишонаси.

Мен ҳам «Дўстлик» ордени билан тақдирландим. Айни пайтда ҳаяжондаман. Негаки, бу орден мамлакатимиздаги бутун элу элатлар муштараклиги рамзи. Қолаверса, бу орден соҳиби бўлган киши дўстлик, биродарлик ришталарини боғлашга хизмат қилиши керак.

Айниса ДУЙСЕБАЕВА,
Навоий вилояти Конимех тумани 6-мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

«Shuhrat» medali sohibi

МЕН БАХТЛИМАН

Шиғил мева тугиб турган ёки қийғос гуллаб турган дарахтни кўрган киши унга ҳавас билан нигоҳ ташлайди. Қизиғи... ўша гўзалликларга озиқ бериб турувчи илдиз ҳақида кўп ҳам ўйлайвермаймиз. Аслида асл мантиқ мана шу ерда. Мен муаллимни ана шу ИЛДИЗга ўхшатаман.

Бир адиб инсон умрини икки эшик орасидаги йўлга ўхшатади. Нақадар донолик. Бир эшикдан кириб, иккинчисидан чиқиш... Бу ИНСОН отлиқ мавжудотга мерос қисмат. Бироқ бу эшик орасидаги масофани босиб ўтиш ҳар кимда айро-айро кечади. Мен ана шу масофани ўқитувчи деб номланган муқаддас каломни елкалаб ўтаяпман.

Мен оддийгина ўқитувчиман. Бироқ... бугун юксак ишонч — «Шуҳрат» медали билан мукофотландим. Мен бугун яна бир бор бахтлиман. Ахир оддийгина ўқитувчига шунча эҳтиром!..

Кунсулу НАСИРОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги 2-мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

Bu dunyoda...

Ер юзида энг иссиқ жой Ливиянинг Триполи шаҳрига яқин жойдадир. Бу ерда иссиқлик ҳарорати 58 даражагача етиши аниқланган. Американинг Калифорния штатидаги Ажал деган водийда баъзан ҳарорат 57 даражага етади.

***

Ер юзида энг совуқ жой Антарктида қитъасидир. 1960 йилнинг 24 августида Антарктидадаги Восток станциясида совуқ 88,3 даражага етди. Ҳозирга қадар Ер шарининг ҳеч бир жойида бундай совуқ бўлмаган.

***

Ер юзида энг қурғоқчил жой Судан (Африка) даги Вади-Хольфа тумани ва Чилидаги Атакама саҳросидир. Вади-Хальфа туманида уч йилда бир миллиметр ёғин тушса, Атакамада йилига бир миллиметрга яқин ёғин тушади.

***

Ер юзида энг кўп шамол бўладиган жой — Виктория Еридир. Антарктидадаги бу ҳудудда шамол тезлиги баъзан секундига 80 метрдан ошади. Шунинг учун ҳам бу жойни шамол қутби деб атайдилар.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

ЛИЦЕЙНИНГ МУВАФФАҚИЯТИГА САБАБ НИМА?

(Боши 1-бетда).

лар билан бирга қўшганимизда жамоада 72 ходим ишлайди.

Лицей директорининг айтганларидан маълум бўладики, бунда нафақат ўқувчи, балки ўқитувчилар ҳам саралаб олинади. Булар ўқувчи ва ўқитувчиларнинг «гуллари» ҳисобланади. Демак уларга тўғри талаб қўйилса кифоя. Ҳар ҳолда бу масканда шундай талаб борлигини ҳис қилдик.

Албатта лицейда яратилган шароитни алоҳида таъкидламай бўлмас. Энг сўнгги маркадаги компьютерлар, бой кутубхона, лаборатория, ўқув қуроллари, 260 ўринли тартибли ётоқхона, яна шунча ўринли ошхонада, тўрт маҳал иссиқ овқат, 300 ўринли концерт зали ва ҳоказо қулайликлар бор.

Дарс тартиби — аввал лекция ўқилади. Ўқувчи ҳафтада бир марта тест топширади. Бир ойда эса бир марта катта тест бўлади. Баҳолаш 100 баллик тизимда. Энди тасаввур қилинг, ҳафтада тест ва ойда бир катта тест тизими ўқувчининг доимий ўқишига сабаб бўлади. Икки-уч ойда фанлар бўйича бир марта билимлар мусобақаси уюштирилади. Бу тартиб лицей синф, гуруҳларидаги жами 250 ўқувчига рейтинг орқали 250 та ўрин беради. Бу ҳар бир ўқувчининг ўз ўрни борлигини, унга эътибор берилаётганлигини англатади.

Натижаларни юқорида таъкидлагандек, уларни номма ном санасак арзийди. Нодир Ҳусаинов Туркиянинг Истамбул шаҳрида экология бўйича ўтказилган олимпиадада олтин медалга, Шерзод Мадраҳимов ҳам Анқара шаҳрида химия бўйича ўтказилган олимпиадада олтин медалга сазовор бўлди. Аргентинага лицей ўқувчиси Қодир Турахонов бориб, муваффақиятли қатнашди. Ориф Мелибоев Туркиянинг Бурск шаҳрида ўтказилган 28 мамлакат иштирокидаги олимпиадада 3-ўрин, лаборатория иши бўйича 2-ўринни эгаллади. Шаҳриёр Турғунов ЮНЕСКОнинг Польшада ўтказилган жаҳон олимпиадасида иккинчи даражали дипломга муяссар бўлди. Бунда 82 мамлакатдан 1000 та лойиҳа мусобақалашганини ҳисобга олсангиз Шаҳриёрнинг муваффақиятини англайсиз. Республика олимпиадасида Мирзамаҳмудов Жўрабек химия фанидан, Аъзам Дадахонов она тили ва адабиётидан, Дониёр Солиҳов инглиз тилидан биринчи ўринларни, Қодир Турахонов эса математика фанидан 2-ўринни эгаллашганди. Ҳозир уларнинг қаерда ўқиётганликлари аниқ: Жўрабек Тошкент химия-технология институтида, Аъзам ТошДУ журналистика факультетида, Дониёр Жаҳон Дипломатияси университетида, Қодир эса Халқ хўжалиги институтининг иқтисод факультетида таҳсил олишяпти.

Ўқувчиларнинг муваффақиятига яна бир асосий сабаб, уларнинг НамДУ домлалари ва малака ошириш институти билан доимий алоқасидир. Ўқувчилар университет домлаларига бириктириб қўйилган. Айниқса, олимпиадага қатнашадиган ўқувчилар алоҳида тайёрланган.

Одатда мақола сунгида хулоса ёзилади. Бироқ биз баҳоли қудрат лицейдаги иш тартиби ва айрим натижаларини ёритдик. Хулосани эса ўзингиз чиқаринг, азиз муштарий.

Ҳ.ОМОНОВ.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Жиззах вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш институти кафедра тизимида иш бошлаганига ҳали унча кўп булгани йўқ. Қисқа муддат ичида институтнинг барча кафедра бўлимларидаги ўқув хоналари сифатли таъмирланиб, эл назарига тушди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг халқ таълими соҳасидаги барча қарор, йўриқномаларини тезроқ амалга ошириш учун илмий-услубий ишларга катта эътибор берилмоқда. Институтда ташкил этиладиган барча малака ошириш курслари учун ўқув мавзу режалари А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтининг бевосита ёрдамида замон талабларини ҳисобга олган ҳолда тўлиқ қайта ишлаб чиқилди. Шунинг учун ҳам курс машғулотлари юксак савияда ўтказилмоқда. Ҳозирги пайтда институтда 1 та фан доктори, 6 та фан номзоди, доцентлар, илғор тажрибали халқ ўқитувчилари доимий фаолият кўрсатиб, малака ошириш курсларининг турли шакл, формаларини тадбиқ этишмоқда. Умуман барча курсларни ташкил этишда А. Авлоний номидаги ХТХМОМИнинг ҳамкорлиги яхши самара бермоқда.

Яқинда ХТХМОМИ ташаббуси билан институт қошида шаҳар ва туманлар халқ таълими булимлари назоратчи услубчилари учун 80 соатга мўлжалланган «Назоратчи услубчиларнинг шу кунги долзарб вазифалари» мавзуида курс ташкил этилди. Мазкур курсда Жиззах вилояти туман, шаҳар ХТБларининг 25 дан зиёд назоратчи услубчилари ва ВПХМОИнинг 10 нафар услубчилари ўз малакаларини оширдилар. Машғулотларни ХТХМОМИ халқ таълимини бошқарув ва мактабшунослик кафедраси мудири, профессор М. Мирқосимов, шу кафедра катта ўқитувчилари А. Шукуров, М. Аслоновалар ҳар томонлама мазмунли ва самарали олиб боришди.

Курс якунидаги давра суҳбатида халқ таълими тизимидаги, малака ошириш соҳасидаги айрим муаммолар таҳлил этилди. Келгуси йилда ҳам А. Авлоний номли ХТХМОМИ билан ҳамкорликда ана шундай курсларни кўпроқ ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Р. ЎРОЛОВ,
Жиззах вилояти ПХМОИ ўқув бўлими бошлиғи.
Ш. ҲОШИМОВА,
шу институт услубчиси.

ГУЛЛАР БАЙРАМИ

Пойтахтдаги Акмал Икромов тумани 7-сон касб-ҳунар мактабининг ташкил қилинганига эндигина 4 йил бўлса ҳам, бу ерда ўзига хос анъаналар қарор топган. Ана шу анъанавий тадбирлардан бири — ҳар йили кузда ушбу даргоҳда гуллар байрами ўтказилиб турилади. Байрамни сермазмун ўтказишга ўқитувчилар жамоаси ҳамда ўқувчилар астойдил тайёргарлик кўришади.

Мана, билим даргоҳида Чайковскийнинг «Гуллар вальси» янграмоқда. Байрам қатнашчиларининг баҳри қувончга тўлган. Байрамона ясатилган столларда чиройли композицияда безатилган турли хил экибана ва гулдасталар мавжуд.

Конкурс шартига биноан байрамнинг ҳар бир қатнашчиси ўз гулдастаси ёки экибанаси ҳақида сўзлаб бериши ва шу мавзу доирасида ашула айтиши ёки ўйнаб бериши керак. Касб-ҳунар мактаби 46-заргарлар гуруҳи ўқувчиси Арсен Валиев ўзининг «Гуллар» шеърини ёддан айтса, 47-ҳисобчилар гуруҳи аъзоси Нилуфар Ёқубова ҳам араб тилида шеър ўқиб, 42-тикувчилар гуруҳи ўқувчиси Муҳаббат Қодирова эса ўзбек халқ рақсини ижро этиб, олқишга сазовор бўлишди.

Ниҳоят, ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг фикрича ҳам эстетик жиҳатдан, ҳам фантазияга бой ва сермазмунлигини эътиборга олиб, фахрли 1-ўринга 30-модельерлар гуруҳи ўқувчиларининг «Эгизаклар» номли экибана композицияси лойиқ деб топилди. Шунингдек, 47-ҳисобчилар ва 51-тикувчилар гуруҳлари ўқувчиларининг экибана ва гулдасталари ҳам фахрли тақдирландилар.

Марҳабо ИСМАНОВА,
шу мактаб услубчиси.

СУРАТЛАРДА: гуллар байрамидан лавҳалар.

Sport

КАСПАРОВНИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Голландиянинг Тилбурге шаҳрида давом этаётган нуфузли шахмат мусобақасида жаҳон чемпиони Гарри Каспаров кутилмаганда Санкт-петербурглик Петр Свидлерга ютқазиб қўйди. Бу мағлубият учрашувнинг еттинчи турида қайд этилди. Саккизинчи турда эса Каспаров голландиялик Иорун Пикетни енгиб, яна мусобақа пешқадами бўлиб олди.

ЯНА БИР ШОВ-ШУВЛИ МАҒЛУБИЯТ

Теннис бўйича «Президент Кубоги» халқаро мусобақасида швейцариялик Россидан мағлубиятга учраган Евгений Кафельников (Россия) яқинда Москвада ўтказилган «Дэвис» кубоги саралаш мусобақаларида яна бир бор мағлубият (жуфтликда) аламини татиб кўришга мажбур бўлди. У ҳамюрти Андрей Ольхов билан ҳамкорликда Руминия теннисчилари Андрей Ловел ва Габриел Грифга 4:6, 4:6, 4:6 натижа билан ўйинни бой берди.

БУХОРОДА ХАЛҚАРО МУСОБАҚА

Ушбу кўҳна ва ҳамиша навқирон шаҳарнинг 2500 йиллиги муносабати билан баскетбол бўйича халқаро мусобақа ўтказилди. Унда Ўзбекистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Озарбайжондан жами 8 команда қатнашди. Барча учрашувларни муваффақият билан ўтказган «Бухоро-1» командаси ғолиб бўлди.

ЯПОНЛАРГА ҚАРШИ КИМЛАР ЎЙНАЙДИ?

Футбол бўйича Ўзбекистон терма командаси мураббийлари 11 октябрь куни Япония футболчиларига қарши майдонга тушадиган асосий рўйхатни эълон қилди. Улар орасида П. Бугало, А. Федоров, М. Қосимов, А. Маъруфалиев, И. Шквиринлар билан бирга А. Хвостунов, С. Турсунов, А. Бердиев сингари маҳоратли ёшлар ҳам бор. Терма командамиз эски аъзоларини биламиз, янгиларининг нималарга қодирлигини бизга японлар аниқлаб беради.

«СПАРТАК» ВА «СЬОН» МОЖАРОСИ

Футбол бўйича УЕФА кубогининг 1/32 финал босқичида рақиб бўлган «Спартак» (Москва), Сьон (Швейцария) командаларининг учрашувида «Спартак» ғолиб чиққанди. Бироқ москваликларнинг босқичга чиқиши номаълум бўлиб турибди. Чунки Сьон командаси дарвозаларининг ўлчами жаҳон стандартига тўғри келмаслиги борасида норозилик билдирганди. Шу муносабат билан Европа футбол ассоциациясининг Апелляцион қўмитаси командалар ўртасидаги келишмовчиликни қайта кўриб чиқадиган бўлди. Улар масаланинг 60-70 фоиз «Спартак» фойдасига ҳал қилиш тарафдори эканлигини ҳам ошкора этди.

maydonchasi

БИР УМР МАНЗАРАСИ

Беҳисоб йиллар ўтди... Ҳануз инсон ўзини кашф этолмади. Гарчи ойни, қуёшни, Марсни-да кашф этса ҳам. Нега?..

Инсон дунё эмас, дунёлар ичида яшайди. Унда гўзаллик, юксаклик, тубанлик дунёлари бовужуд. Қорақалпоқлик шоир, журналист Ғойиб ака Ёқубов ана шу дунёларнинг сирларини ўрганади.

Ғойиб Ёқубовни узоқ йиллардан буён кўпчилик нафақат шоир, балки қалами ўткир журналист, моҳир таржимон сифатида ҳам танишади. Ғойиб ака 1961 йил Тошкент давлат университетини тамомлагач, ўтган қатор йиллар давомида Хўжайлидаги мактаблардан бирида ўқитувчи, Нукус давлат педагогика институтида ўқитувчи, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи вазифаларида фаолият кўрсатди. Айни пайтда эса «Маърифат» газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича махсус мухбиридир.

Бу инсон ана шу йиллар ва йўллар бўйларидан ҳаёт ҳақиқатларини ўрганди. Шоир бир шеърида «Юксакликка чорлар бизни юлдузлар, Теранликка чорлар бизни денгизлар» дейди. Дарҳақиқат, одамзод ана шундай қарама-қарши ҳақиқатлар исканжасида яшайди. Шу «исканжа»ни илғай олиши шоирнинг нафис дидидан далолат этади.

Ғойиб Ёқубовнинг «Сирли таёқ», «Қирғоқдаги шамоллар», «Тўртликлар» каби шеърий тўпламлари ўзбек ва қорақалпоқ тилларида нашр этилган. Яқинда эса мингта тўртликдан иборат «Минг бир томчи» тўпламини ёзиб тугатди.

Алқисса, Ғойиб ака бугун олтмиш ёшни қаршилади. Шу фурсатдан фойдаланиб, истеъдодли шоир, сермаҳсул журналист, газетамизнинг фаол аъзоси Ғойиб ака Ёқубовни қутлуғ ёши билан муборакбод этамиз.

ТАҲРИРИЯТ.

«МИНГ БИР ТОМЧИ»ДАН ТОМЧИЛАР

Осмон салтанати шоҳидур лочин,
Мағрур парвоз айлар ёзиб қулочин.
Аммо чарх урмасин қанча юксакда,
Ҳаёти манбаи пастдалиги чин.

*

Ёғочни гулханга отдилар, шу дам,

Ўтли нидо келмиш ундан: «Эй одам,
Унутма, ёғочдан эди бешигинг,
Ёғочдан ясарлар тобутингни ҳам!»

*

Инсонни юварлар туғилган онда,
Сўнгги бор ювилгач, ётар кафанда.
Демакки, хулоса шулдир: одамлар
Доим пок яшаши шартдир жаҳонда!

*

Ошиқ кўз ёшлари томди дарёга,
Ва буғга айланиб учди самога.
Шундандир, гар осмон тўкса кўз ёшин,
Софлик ёйилгандай бўлур ҳавога.

*

Нақадар юксакда бўлмасин, аммо
Улуғвор юлдузлар кичикдай гўё.
Камтарлик бобида юлдуздай бўлсанг,
Сени юксакликка кўтарур дунё.

*

Донишманд демишким: «Ҳақиқий устоз
Отадан улуғдур, айлангиз эъзоз:
Ота кўкдан бизни ерга туширса,
Устоз ердан кўкка этдирур парвоз.

*

Аслида бу жаҳон яхлит бир макон,
Аммо ўз Ватанинг — қалбингдаги жон.
Биз учун олий бахт балким шул эрур:
Шу жон юракларда яшаса омон!

*

Шул ҳолат қалбимга санчадур тикан:
Одамлар шафқатда нечун паст экан?
Бўрилар ўзаро ириллашару
Аммо бир-бирини ўлдирмас экан.

*

Болалик оқ рангда, дилда йўқ ғубор,
Ёшлик — бу яшил ранг, гуллаган баҳор.
Кексалик — сариқ ранг, баргдай сўласан,
Охир — қора ранг, тамом бўласан.

*

Жажжи ўғилчасин кўтариб қўлда,
Ота шўх жилмаяр, шодлиги мўл-да!
Ажабмас, вақт етиб уни фарзанди
Қўлида кўтарса энг сўнгги йўлда...

*

Юксакликка чорлар бизни юлдузлар,
Теранликка чорлар бизни денгизлар.
Юксаклигу ҳамда теранликлардан
Одамзод ҳақиқий бахтини излар.

Ғойиб ЁҚУБОВ.

СОНЛАР БАҲСИ

«Миқдор сон»дир номимиз,
Гердайишар «икки», «уч».
Дона сон санаб кўриб:
— Атиги иккитасиз,
Бу мактабдан кетасиз.
Керак эмассиз бизга,
Зор ҳам эмасмиз сизга.
Тартиб сон савол берар:
— Нечанчи мактабдансиз?
Жўнаб қолинг биздан тез!
Чама сон тахмин қилиб:
— «Икки», «уч» баҳолар-чи,
Яшар узоқ Сибирда,
Баъзан Саҳро Кабирда,
Деб жуда тўғри айтар.
Ҳайда, буларни, қайтар!
Жамловчи сон жамлади.
«Икки», «уч»ни қувлади.
Шу икки ёмон баҳо
Қочиб қолди шу заҳот.
Тақсим сон тақсим қилар,
Болалар таҳсил олар.
Дарсга ким қулоқ солар,
«Аъло» баҳолар олар...

Намоз ҚАРШИЕВ,
Арнасой тумани халқ таълими бўлими назоратчиси.

ГЕОМЕТРИК ШАКЛЛАР АСОСЧИЛАРИ

Кўпгина геометрик шаклларнинг хоссаларини батафсил тадқиқ этиш қадимги мисрликларга, Дажла ва Фрот дарёлари оралиғида, Хитойдаги дарёларнинг соҳилларида яшаган кишиларга насиб бўлди. Улар куб, призма, пирамида, конус, шар сингари геометрик фигураларнинг ҳажмини ўлчаш усулларини ҳам кашф қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти 1997 йил учун

Докторантурага (13.00.02) — физика, математика, информатика, меҳнат, тарих ва бошқа фанларни ўқитиш назарияси ва методикаси бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда докторантурада ўқиш учун 40 ёшгача бўлган фан номзоди қабул қилинади.

Докторантурага кирувчи шахслар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Директор номига ариза.
2. Ходимларни ҳисобга олиш варақаси (расм билан) ва таржимаи ҳол.
3. Докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режаси ва тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза.
4. Матбуотда эълон қилинган илмий ишлар, ихтиролар ва илмий тадқиқот ишлари бўйича ҳисоботлар рўйхати (форма бўйича).
5. Иш жойидан тавсиянома.

Ҳужжатлар эълон чиққанидан сўнг 30 кун давомида қабул қилинади.

Манзилимиз: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй.
ЎзПФИТИ, телефон: 45-56-59.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти 1997 йилга ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўқиш учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— Педагогика назарияси ва тарихи (13.00.01);
— Мактабгача тарбия назарияси ва методикаси (13.00.02);
— бошланғич таълим назарияси ва методикаси (13.00.02);
— ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— тарих ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— биология ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— география ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— тасвирий санъатни ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— физика ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— рус тили ва адабиёти ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02).

Аспирантурага кирувчилар ихтисослик фани, Ўзбекистон тарихи, фалсафа ва чет тилларининг биридан олий ўқув юртлари учун амалдаги дастур ҳажмида кириш имтиҳонларини топширадилар.

Танлов имтиҳонларига ихтисос бўйича камида бир йил амалий иш тажрибасига эга бўлганлар, шунингдек, бевосита олий ўқув юртини битирган ёш мутахассислар фақат олий ўқув юрти (факультет) илмий кенгаши тавсиясига кўра қўйиладилар.

Аспирантурага ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 35 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 40 ёшгача бўлган мутахассислар қабул қилинади.

Аспирантурага қабул қилиш тўғрисидаги институт директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси, таржимаи ҳол, иш жойидан тавсиянома, бошқа ташкилотлардан юборилади-ган шахслар учун тавсиянома, илмий мақолалар рўйхати ёки реферат, бевосита олий ўқув юртини битиргандан сўнг аспирантурага тавсия этилган шахслар учун олимлар кенгаши йиғилишининг қайдномасидан кўчирма, меҳнат дафтарчаси, 2 дона сурат (3x4 ёки 5x6 см ҳажмда), номзодлик имтиҳонлари топширилган бўлса, белгиланган шаклда гувоҳнома.

Ҳужжатлар эълон чиққандан сўнг 30 кун давомида қабул қилинади.

Манзилимиз: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй.

ЎзПФИТИ, Аспирантура бўлими.

Xullas

ЎҒРИНИ ҚАРОҚЧИ УРДИ

— Тасодифни мен фақат ҳиндларнинг киносида бўлади деб ўйлардим, — деди судьяга кўзини лўқ қилиб Сергей.

Воқеа бундай бўлган. Россиянинг бозорларидан бирида ишбилармон Сергей бир нотаниш йигитга минг шиша спирт сотган. Узининг айтишича, спирт шишаларининг учдан икки қисми сув билан тўлғизилган экан. Қизиғи шундаки, Сергейжоннинг ҳам қувончлари атиги икки соатгина «умр» кўрди. Сабаби, мижоз ҳам илоннинг ёғини ялаганлардан экан. Яъни Сергейга берган тўрт тахлам пулнинг фақат икки юза қисми пул, қолгани пул рангли қоғоз экан.

Сирасини айтганда, сих ҳам куймаган, кабоб ҳам. Фақат «сих» аламидан милицияга узи борган. «Кабоб»дан ҳали дарак йўқ.

«КАЛЛАЛИ» РОБОТЛАР

Эшитишимизча, шу кунларда голландияликлар ўзларининг янги ихтиросидан маст бўлиб, ҳали-бери «кайфи» тарқамайдиган кўринади. Нима бўлибди денг, голландияликлар сут соғувчи роботлар кашф қилибди. Роботларнинг «калласи» шу қадар яхши ишларканки, улар сигирларни бирин-кетин узлари юриб соғиб чиқишар экан. Фақат битта айби, ҳар битта робот 10 тадан ортиқ сигир соғолмас экан. Демак, ихтирочилар унчалик қувонмаса ҳам бўлади. Ахир ўзимизнинг илгари «Қизил деҳқон» колхозида ишлаган Турсуной опа бир кунда 30 тагача сигир соққан экан-ку! Эҳ-ҳе, бу кўрсаткични голландияликларнинг роботлари эшитиб, бузилиб ҳам қолса керак.

«ХУШРЎЙГИНА» ЎҒРИ

Латвиянинг гавжум бозорларидан бирида ўғрилик содир бўлди. Бозорга харид қилиш учун келган хушрўйгина аёл сумкасидан олтин занжирини ўғирлатиб қўйди. «Бузоқнинг югургани сомонхонагача» дейишади. Бу сафар «бузоқ» сомонхонагача ҳам бора олмай бозорнинг ўзида тутиб олинди. Ҳайратланарлиси шундаки, ўғридан тортиб олинаётган занжирни кўрган бошқа бир аёл дод солиб жиноятчига ташланди. Аниқланишича, асл ўғри бизнинг «хушрўйгина» аёл экан.

ana shunaqa gaplar

«УМРОН» ДКК чекланмаган миқдорда макулатура қабул қилади. Буюртма учун телефон: 191-61-31.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Ҳулкар ТУЙМАНОВА,
Алишер НАЗАРОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0672. Тиражи 21.422. Х2жми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6